

● Президент топшириқлари – амалда

ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИ

ҚР ҲУКУМАТИДА «ҚОЗОҒИСТОН ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент топшириғи доирасида Қозоғистон Бош вазири Алихан Смаилов «Қозоғистон Тараққиёт Банки» фаолиятини ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Ислохотлар доирасида Қозоғистон Тараққиёт Банки кўпроқ мамлакат учун стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган, узоқ муддатли ва капитал талаб қилувчи сармоявий лойиҳалар ҳамда саноат ишлаб чиқаришини молиялаштиришга эътибор қаратиши режалаштирилган.

– Қозоғистон Тараққиёт Банки хизматларнинг шаффофлигини ошириш, бизнес-жараёнларни қулайлаштириш ва рақамлаштириш ҳамда банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасидаги ишларни давом эттириши зарур, – деди Бош вазир А. Смаилов.

24.kz.

УЙИ БОРНИНГ БАХТИ БОР

100 ФУТБОЛ МАЙДОНИДАН ОШАДИГАН БОШПАНА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

2-бет

КИНОА ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ?

6-бет

FOR ИЧИДАГИ ХАЗИНА

7-бет

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси



TURKISTAN

Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2022 йил 22 февраль, сешанба. №21 (3074).

БИЗНИНГ БИРГИНА ВАТАНИМИЗ БОР, У – ҚОЗОҒИСТОН

ДАВЛАТ РАҲБАРИ ҚАСИМ-ЖҰМАРТ ТҰҚАЕВНИНГ "QAZAQSTAN" МИЛЛИЙ ТЕЛЕКАНАЛИГА БЕРГАН СУҲБАТИ

– Хурматли Қасим-Жўмарт Кемелули, "Qazaqstan" миллий телеканалига мусохаба беришга розилигингиз учун Сизга катта раҳмат! Аввалги суҳбатингиз рус тилида бўлди. Матбуот котибингизнинг айтишича, ўша мусохаба халқаро аудиторияга мўлжалланган. Бу сафаргиси қандай аудиторияга мўлжалланган? Бундай олаш қозоқ тилини камситиш эмасми?

– Бу ҳеч қандай камситиш ёки менсимаслик эмас. Аввалги кўплаб телеканаллар мендан бир неча бор суҳбат беришимни сўрашди. Уларнинг ҳаммасини рад этдим. Кейинроқ фақат "Хабар" телеканалига истисно қилишга қарор қилдим. Сабаби, мамлакатимизда кўплаб ёлғон маълумотларнинг кенг тарқалиб кетганлиги ва бунга зудлик билан чек қўйиш керак бўлди.

Суҳбат, энг аввало, Қозоғистондаги воқеалар ҳақидаги ҳақиқатни жаҳон ҳамжамиятига етказишга қаратилган эди. Хабарингиз бор, ушбу мусохаба хорижий ОАВда кенг муҳокамага сабаб бўлди.

Рус тили билан Миллатлар Ташкилотининг олти тилидан бири эканлигини эътибордан қолдириб бўлмайди. Буни ёдда тутишимиз керак. Бугунги суҳбатимиз ҳам ўз тингловчиларини топади. Албатта, давлатимиз муаммоларини давлат тилида гапирган маъқул. Тилимиз, энг аввало, ўзимизга керак. Шунинг учун биз ўзимиз уни қадрлашимиз керак.

– "Мудҳиш январь"га қайтайлик. Йил бошидаги қонли воқеа, афсуски, кўп одамнинг умрига зомин бўлди. Намойишга чиққанларнинг ҳаммаси террорчими? Эҳтимол, дастлаб одамлар тинч намоийишга чиқишгандир?

– Албатта, дастлаб тинч намоийишлар бўлди. Бунга барча гувоҳ. Мамлакатимизнинг кўплаб вилоятларида фуқаролар майдонга тўпланиб, ўз талабларини қўйишди, ҳатто норозиликлар билдиришди. Ростини айтсак, давлат ҳеч қандай қирғин, жиноий ҳаракатлар бўлмади. Аммо кейинчалик вазият бутунлай бошқача йўналишда ривожлана бошлади. Ғаламислар ва босқинчилар пайдо бўлди. Ва уларнинг мақсади тинч митингларда иштирок этиш эмас, балки ҳокимиятга ҳужум қилиш эди.

Бир сўз билан айтганда, маълум бир дақиқада майдонга ҳақиқий террорчилар чиқди. Қароқчилар минглаб қуролларни ўғирлаб кетишди, уларни полиция ҳали ҳам изламоқда. Афсуски, барча қуроллар ҳали топилмади. Ва босқинчилар улардан яна одамларга ўқ узишлари мумкин. Хўш, буни ким амалга оширди, деган савол туғилади. Бу кимнинг иши? Тинч намоийишга чиққанларми? Чин маънода, бу касбий босқинчиларнинг иши.

– Улар қаердан пайдо бўлишди?

– Мен бу саволга бир неча бор жавоб берганман. Бу олдиндан режалаштирилган ҳаракат экани маълум бўлди. Махсус тайёргарликдан ўтган жиноий гуруҳлар, террорчилар воқеаларнинг ўртасида туришди. Албатта, босқинчиларнинг орасида оддий фуқаролар ҳам бўлди. Энди уларни террорчилардан, ғаламислардан ажратиб олишимиз зарур. Бу – жуда мураккаб масала. Буларнинг барчасини тергов аниқлайди. Умуман, бир нарсани яхши тушунишимиз керак. Майдонга чиққанларнинг барчасини тинч намоийишчилар деб бўлмайди. Бу – ҳеч бир ақлга сиғмайдиган нарсаси. Кўзи очик, виждони пок одам бундай ёлғон хулосага ҳеч қачон ишонмайди. Аввало, аҳволни террорчилар кескинлаштирди. Уларнинг мақсади – мамлакатдаги барқарорликка путур етказиш, халқни кўрқитиш эди. Тинч намоийишчилар шуларнинг қармоғига илинишди. Ҳозир шу бегуноҳ фуқароларнинг ҳуқуқини ҳимоялашимиз керак. Мен ҳар бир ишни батафсил ўрганиб, кўриб чиқишни топширдим.

Фуқароларнинг ҳуқуқини поймол қилган шахслар жазога тортилади. Бу борада зарур чораларни қабуллаймиз. Ҳеч бир гумон бўлмасин.

– Бу воқеаларни қандай таърифлашимиз керак? Тўнтаришга уринишми, ҳокимиятга қарши тинч намоийишми ёки бошқа ҳаракатми? Қандай атайимиз?

– Хабарим бор, бу воқеаларга ҳозир бошқача баҳо берилляпти ва бошқача аталмоқда. Нима бўлганда ҳам, бу кунлар мамлакатимиз тарихидаги энг фожiali кунларга айланди. Буни тан олиш керак. Мустақилликнинг 30 йилида биз кўп синовлардан ўтдик. Аммо бундай



шафқатсизлик илк бор кузатилди. Ўз юрти, халқи учун фидойи ҳақиқий ватанпарварлар ҳеч қачон бундай ишларни қилмаслиги аниқ.

Очик айтиш керакки, вазиятдан ўз ғаразли мақсадларида фойдаланмоқчи бўлган одамлар давлат тўнтаришини амалга оширишга уриндилар. Француз тилида бундай ҳаракатни "coup d'etat" деб айтади. Бу – тўнтариш деган сўз. Давлатчилигимизга, эл яхлитлигига, халқимизнинг хавфсизлигига қарши қаратилган ҳаракатлар эди. Бу менинг шахсий фикрим.

Албатта, халққа ҳали ҳам кўп нарсаси тушунарли. Оддий фуқаролар ўз суюкли шахрини ўз қўли билан яқсон этмаслиги аён. Босқинчилар, террорчилар Алматига ташқаридан келди. Мақсад аён: одамларни кўрқитиш ва ўлдириш, дўконларни тўнаш, аёлларни зўрлаш, ниҳоят ҳокимиятни эгаллаш.

– Улар нима учун ҳокимиятга қарши чиқишди?

– Масала бошқача: ғалаёнчилар элимиздаги ислохотларнинг йўналишини тескари томонга бурмоқчи бўлишган. Чунки, ислохотларнинг бош мақсади – адолатли жамият барпо этиш, монополияларни йўқотиш, сиёсий ўзгаришларни амалга ошириш, элимизнинг иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш. Бу халқимизнинг орзу-умидлари, талаблари. Шу боис, йўналишимиздан оғишмай, ислохотларни давом эттирамиз.

– Сиз бир неча бор тергов ҳақида сўз очдингиз. Унинг дастлабки натижалари ҳақида айта оласизми?

– Ҳозир кенг қамровли тергов ишлари олиб борилмоқда. Бош прокуратура томонидан мунтазам равишда аниқ ва ишончли маълумотлар эълон қилинмоқда. Хулоса чиқаришга ҳали эрта. Бу – жуда мураккаб масала. Бу ўта масъулиятли иш бўлгани учун тергов ҳаракатлари ёпиқ эшиклар ортида олиб борилмоқда. Тергов бироз вақт олади. Ўйлайманки, тез орада фуқароларимиз ўзларини қизиқтирган саволларга албатта жавоб оладилар. Барча маълумотлар эълон қилинади. Биз халқдан ҳеч нарсани яширмаймиз.

Ҳозирча фақат бир нарсани айта оламиз: фуқароларимиз хавфсизлиги ва мамлакат яхлитлигига аниқ таҳдид бор эди.

– Ҳозиргина фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурлигига тўхталингиз. Келинг, бу масалага батафсилроқ тўхталиб ўтамиз. Мен ҳибсга олинганларни қийноққа солиш фактларини назарда тутяпман. Ўзимиз ҳам кўрдик. Ижтимоий тармоқлардаги видеоларни, қайдларни суягинг зирқираб кўрасан. Айниқса, елкасига дазмол бостирилган талдиқўрганлик Азамат Батирбаев деган йигит ҳақидаги лавҳалар. Шундан хабарингиз борми?

(Давоми 3-4-бетларда) ▶

Туркистон вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади

УЙИ БОРНИНГ БАХТИ БОР

100 ФУТБОЛ МАЙДОНИДАН ОШАДИГАН БОШПАНА ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Ўтган йили вилоятимизда барча молиялаштириш манбаларидан 823,8 минг квадрат метр бошпана фойдаланишга топширилди. Бу 100дан зиёд футбол майдонига тенг. Режа ошириб бажарилди. Йил охирида Туркистон шаҳридаги маъмурий-тадбиркорлик маркази ҳудудидаги 14 қаватли уйнинг 763та квартираси “Отбасы банк” орқали ва кўп қаватли 3та уйнинг 151та квартираси “7-20-25” дастури орқали аҳолига сотилади.



Навбатда турган 610 оиладан 470 нафари кўпболали оналар. Умуман турли дастурлар ва нақд пулга харид қилиш орқали юзлаб оила бошпанага эга бўлди.

Айни дамда минтақада қурилиш ишлари юқори суръатларда олиб борилмоқда. Айниқса, Туркистон шаҳрида уйлар кўп барпо этиляпти. Туркистон вилоятининг ҳокими Ў. Шўкеев маъмурий-тадбиркорлик маркази ҳамда ўзга минтақалардаги уйларнинг қури-

лишини назорат қилиб, пудратчилар билан учрашди.

Бошпаналарнинг инфратузилмаси, электр, иситиш тизими талабга мувофиқ бўлиши кераклигини айтган минтақа раҳбари қурилиш сифати қатъий назоратга олинганини таъкидлади.

– Аҳоли учун қулай имкониятлар яратилиши керак. Шу боис ҳам ушбу соҳага масъул раҳбарлар ва пудратчилар уйларни талабга мувофиқ барпо этишлари

жоиз. Аҳолининг ишончини оқлаш – асосий вазифамиз, – деди Ў. Шўкеев.

Жорий йилда Туркистон вилоятида қарийб 10 минг оила бошпанали бўлади. 836,6 минг квадрат метр уй фойдаланишга берилади. Хусусан, барча молиялаштириш манбаларидан 220та уй қад ростлайди. Айни пайтда вилоятда 45 мингдан зиёд фуқаро уй-жой олиш учун навбатда турибди.

• Президент топшириқлари

ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ЮКСАК ЭЪТИБОР

130 УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛАДИ, АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ ТИНГЛАНДИ

ҚР Парламент Мажлиси депутатлари Туркистон вилоятига хизмат сафари чоғида вилоятнинг 17 туман ва шаҳарларида бир ҳафта давомида аҳоли билан мулоқотда бўлишади.

Куни кеча вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Арман Жетписбай депутатлар билан учрашиб, долзарб масалаларни тилга олди.

У Туркистонни ривожлантиришнинг биринчи босқичи яқунлангани, инфратузилма тўлиқ ишга туширилганини маълум қилди. Туркистон вилоятини ривожлантиришнинг мажмуавий режасига мувофиқ туман, шаҳар ва қишлоқларда ҳам тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Депутатлар Дархан Минбай, Қайнар Абасов, Ержан Қудайберген ва Сирим Ертаев вилоятга хизмат сафари мақсадига тўхталиб, жамиятни янгилаш, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларни такомиллаштиришга йўналтирилган ислохотлар ҳақида суҳбат юритишди. Қишлоқ хўжалиги, ичимли сув, оқова тизими, газ таъминоти, саноат ҳудудларини ривожлантириш, мамлакатимиздаги ижтимоий аҳволни яхшилаш юзасидан режалар муҳокама қилинди.

– Биз ташрифимиз давомида тайёр корхоналарни эмас, балки муаммоли жойларни бориб кўриб, аҳоли билан учрашишни режалаштирганмиз. Мавжуд муаммолар билан танишиб, уларни ҳал қилиш йўллари кўриб чиқиш учун керак бу. Мақсадимиз вилоят аҳлининг муурожаатларини тинглаш, Туркистон вилоятини ривожлантириш лойиҳаларини амалга оширишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш. Биргаликда ҳаракат қилсак, яхши натижаларга эришамиз, – деди Д. Минбай.

“Nur Otan” партияси вилоят филиали раисининг биринчи ўринбосари Б. Тажибаевнинг маълум қилишича, Парламент депутатлари барча туман ва шаҳарларда 130дан зиёд учрашув ва жамоат қабули ўтказди. Унинг айтишича, қабул жадвали партия бўлимларининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида эълон қилинган. Шу билан бирга, “Йўл харитаси”га киритилган лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинади.

А. Жетписбай Парламент ва Ҳукумат даражасида ҳал этилиши зарур бўлган масалалар юзасидан маълумот алмашишларини, депутатлар билан ҳамкорлик қилишини.

Сунгра депутатлар “Nur Otan” партияси фракцияси аъзолари билан учрашишди.

Туркистон шаҳридаги Хожа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро Қозоқ-Турк университетиди “Она юртдан ота юртга – саломатлик кўприги” лойиҳаси доирасида Туркия Республикасининг етакчи тиббиёт муассасаларида малака ошириб келган шифокорларга сертификатлар топширилди.

Тадбирда вилоят жамоат соғлигини сақлаш бошқармаси раҳбарининг ўринбосари Ермек Тажимурат, Х. А. Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университетининг Ваколатли кенгаш раиси Мухиттин Шимшек, ректор Жанар Темирбекова, ректор вакили Женгиз Томар иштирок этди.

Ўтган йилда минтақамиздан 100 нафарга яқин шифокор вилоят ҳокимининг ташаббуси билан, маҳаллий бюджет ҳисобидан Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Жерраҳлаша, Истинье ва Мармара университетларининг клиникалари, шунингдек, Анқарадаги Гази университети клиникасида икки ҳафтalik амалиётдан ўтган эди.

Бугунги кунда вилоятимизда 5526 шифокор, 18924 нафар ўрта бўғин тиббиёт ходимлари фаолият юритмоқда. 2021 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги 194 нафар ёш мутахассисни вилоятимизга йўллаган бўлса, шундан 180 нафари иш билан таъминланди.

Кентов шаҳрида миллий спорт турларини ривожлантириш мақсадида «Кентов-Қарноқ» автйўлининг бўйидаги 10 гектар майдонда янги от спорти мажмуаси ишга туширилади. Мазкур спорт марказининг қурилиши келгуси йил баҳорида бошланади. Ушбу мажмуа шаҳар ҳудудида миллий спорт турларининг ривожланишига хизмат қилади.

КЕНТОВДА ЯНГИ ОТЧОПАР БАРПО ЭТИЛАДИ

Умуман, келгусида Кентов шаҳридаги спорт иншоотларининг сони сезиларли даражада ошади. Шаҳардаги «Б. Саттарханов номидаги Кентов шаҳар 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби» ёнида замонавий соғломлаштириш спорт мажмуаси барпо этиш режалаштирилган. Ҳозир унинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Шунингдек, хусусий тадбиркорлар томонидан кичик спорт иншоотларини барпо этиш таклифлари тушмоқда. Шаҳар ҳокими Даурен Махажанов ташаббуси билан бу йўналишдаги ишлар давом эттирилади.

Кентовликларнинг спортга қизиқиши кун сайин ортиб бормоқда. Кентов шаҳри ва унинг тасарруфидаги ҳудудларда 180та спорт иншооти, жумладан, 1та 1500 ва ундан юқори ўрнили ўйингоҳ, 1та спорт мажмуаси, 3та ўқ отиш майдони, 38та спорт зали, 128та спорт майдончаси, 2та теннис корти ва 5та сузиш ҳавзаси фаолият юритмоқда.

ШИФОКОРЛАРГА СЕРТИФИКАТ ТОПШИРИЛДИ



• Брифинг

СИФАТЛИ ЙЎЛЛАР УЛУШИ – 92 ФОИЗ

Вилоятимиздаги автомобиль йўллари ва аҳоли манзилларидаги кўчаларнинг узунлиги – 17466,4 чақирим. Вилоят ва туман аҳамиятига эга автомобиль йўлларининг яхши ва қониқарли ҳолатдаги улуши 2021 йилда 87 фоизга етса, 2022 йилда 92 фоизга етказиш режаланган. Буни Туркистон вилоят йўловчилар транспорти ва автомобиль йўллари бошқармаси раҳбари Ролан Ибрагимов маълум қилди.

2025 йилгача бу кўрсаткични 99,5 фоизга етказиш кўзланган.

– 2021 йилда қурилиш-таъмирлаш ишлари билан 2070,9 чақирим йўл ва кўча қамралди. “Овул – эл бешиги” дастури доирасида 2021 йилда 326,5 чақирим кўча фойдаланишга берилди. 2022 йилда 1349,2 чақирим йўл ва кўчаларни қуриш ва таъмирлаш режалаштирилган. Вилоят аҳамиятига эга автомобиль йўллари бўйида 410та кўприк мавжуд. Уларнинг 381таси яхши аҳволда, 29таси таъмирланиши зарур, – деди бошқарма раҳбари.

Вилоятимизда 349та доимий йўналиш бўйича 1264та жамоат транспорти йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда. Вилоятда 2021 йилда 110та жамоат транспорти янгиланди.

Туркистон халқаро аэропортида 2та халқаро (Истанбул, Тошкент) ва 10та ички қатновлар амалга оширилмоқда. 2021 йилда аэропорт орқали 298 минг йўловчи ташилган. Бундан ташқари, 192та чартер рейс орқали 835 одам манзилига етказилган.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

БИЗНИНГ БИРГИНА ВАТАНИМИЗ БОР, У – ҚОЗОҒИСТОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Ҳа, мен бу вазиятни яхши биламан. Айрим фуқаролар менга йўллаган видео-муносабатларни ижтимоий тармоқларга жойлаштирмоқда. Бундан ҳам хабарим бор. Бу борада Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратурага аниқ топшириқлар бердим. Бундай ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

Жамоат комиссиялари ўз ишларини бошлаб юборишди. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил Эльвира Азимова, таниқли ҳуқуқшунос-адвокатлар Айман Ғмарова, Жемис Турмағамбетова, Абзал Қўспан ҳамда яна бошқа ҳуқуқшунослар махсус комиссия тузишди.

Улар ҳар бир ҳолатни ўрганар экан, қонунга риоя этилишини синчиклаб текширишади. Уларга ишонмасликка ҳеч қандай сабаб ҳам, ҳаққимиз ҳам йўқ. Уларнинг фаолиятига давлат ва ҳуқуқ-тартибот органлари аралашмайди. Мен ҳам аралашмайман.

Ҳар бир қоидабузарлик ҳолати бўйича чоралар кўрилади. Пировадда барча айбдорлар жазога тортилади. Инсон ҳуқуқлари мен учун жуда муҳим устувор вазифадир. Айниқса, ҳозир буни энг аҳамиятли масала деб айтиш жоиз. Ҳар бир иш бўйича адолатли қарор чиқариш мен учун асосий тамойил.

– **Қонунни бузганларга нисбатан қандай чоралар кўрилади?**

– Бу масалага келсак, айрим шахслар бегуноҳ фуқароларни бесабаб қамади, деган ёлғон маълумотни тарқатишмоқда. Лекин ҳибсга олинганлар орасида террорчилар ҳам, жиноятчилар ҳам борлигини унутмаслигимиз керак. Қаранг, минглаб одамлар шахарни вайрон қилиб, ҳақиқий террорчилик ҳаракатларини содир этишди. Сўнг бирдан уларнинг ҳаммаси тинч аҳоли бўлиб чиқди. Бунга ким ишонади? Умуман, террорчилар ва қароқчиларни халқ қахрамонлари, ботирлари деб аташ мумкин эмас. Бу – ҳеч қандай ҳақиқатга тўғри келмайдиган мутлақо нотўғри тасаввур. Агар биз ҳақиқатга эришмай, уларнинг айтганларини маъқулласак, давлатга яна бир улкан хавф келтирган бўлаемиз. Бу – жиноятчи ва қароқчиларни Қозғоғистонга чақириш деган сўз. Шу боис, мазкур масалада жуда эҳтиёт бўлишимиз керак. Биз ҳар бир ҳолатни чуқур текширишимиз керак.

– **Россиядаги баъзи таҳлилчилар январь воқеаларидан сўнг “ғалаёнчиларнинг мақсади – Президент Қ. Тўқаевни Қозғоғистондан қувиб чиқариш ёки ҳибсга олиш” дея тахмин қилдилар. Лекин Сиз уларнинг режасини пучга чиқардингиз. Шу ростми? Бу ҳақда нима дея оласиз?**

– Бу, эҳтимол, Россия махсус хизматларининг қарашлари, балки бу ҳақиқатдир, чунки мамлакатдаги вазиятни диққат билан кузатиб турдилар. Қандай бўлмасин, олдиндан тайёрланган қуролли тўдалар ҳокимиятни эгаллаб олмоқчи эди. Шу боис, хорижлик кузатувчиларнинг фикрларида жон бор, деб ўйлайман. Бироқ, барча воқеаларга жиддий баҳо бериш керак. “Сабр таги – сариқ олтин”, деб, халқимизда бежиз айтилмаган. Бу масалада шошилмаслик керак, мақсад – тезкор қарор қабул қилиб, ишни ёпиб ташлаш эмас, ҳақиқатга ишонч ҳосил қилишдир. Ва мен ўз олдимга шу мақсадни қўйдим.

– **Сиз Владимир Путинга қўнғироқ қилиб, Жамоавий хавфсизлик шартнома ташкилотининг аскарларини Қозғоғистонга чақирдингиз. Бу мамлакатимизнинг мустақиллиги ва суверенитети Россия ихтиёрига ўтади, дегани эмасми? Уларни чақирмасан, бўлмасмиди? Энди шу қарорингиздан афсусланмайсизми?**

– Йўқ. Бу ҳеч қандай афсусландирган қарор эмас. Аксинча, тўғри қарор деб, ўйлайман. Чунки, қуролланган жангарилар

Алмати шахрини вайрон қилиб, бошқа шахарларга таҳдид солишди. Ва қуролли контингент ўз вақтида етиб келмаганида террорчилар бошқа шахарларни ҳам босиб олишлари мумкин эди. Қуролли тўқнашувлар Талдиқўрган, Тараз, Шимкент ва Қизилўрдада юз берди. Пойтахтда террорчиларнинг тайёргарлиги сезилди, улар ҳатто, Ақўрдага ҳужум қилишга тайёр эди.

Баъзи нуфузли экспертларнинг фикрига кўра, террорчилар Қозғоғистоннинг икки йирик шахрини босиб олишни режалаштирган. Бу – Суриядаги сценарийга ўхшаш режа. У ерда террорчилар Дамашқ ва Раққани босиб олишга ҳаракат қилишган эди.

Жамоавий хавфсизлик шартномаси ташкилотининг аскарлари бизнинг мамлакатда бирорта ҳам ўқ узмади. Буни очик айтиш керак. Улар фақат асосий стратегик иншоотларни кузатиб туришди. Шу пайтда Қозғоғистон куч ишлатар тузилмалари ҳаракатга киришиб, қуролли босқинчиларнинг ҳужумини қайтаришди. Орамизда фақат алоқа ва ҳамжиҳатлик бор эди.

Энди “Путинга қарз бўлиб қолдик”, деганга келсак, бу – бемаъниликка чек қўйиш керак. Биринчидан, ЖХШТнинг контингенти В. Путин ёки Россиянинг хусусий армияси эмас. Тинчликни сақлаш контингенти унга аъзо мамлакатларнинг барчаси учун умумийдир. Унга Россиядан ташқари, Белорусь, Арманистон, Тожикистон ва Қирғизистон ҳарбий қисмлари аъзо. Қозғоғистон ҳам – ушбу ташкилотнинг тўлақонли аъзоси ҳамда асосчиси. Шунинг учун ҳаммаси – қонуний ва мантикий.

Россия масаласига келсак, бу улкан мамлакат ўзининг геосиёсий манфаатларини ҳам ҳимоя қилди. Қозғоғистоннинг барқарорлиги Россияга жуда муҳим. Буни тўғри тушунишимиз керак. Қозғоғистон ва Россия – стратегик ҳамкорлар. Орамизда ҳақиқий дўстлик ва ўзаро ишонч бўлиши даркор. Агар бошқача сиёсат юритсак, ҳар икки давлатнинг стратегик манфаатларига путур етказган бўлаемиз. Бу биз қимгадир қарздоримиз, дегани эмас. Қозғоғистон – мустақил мамлакат. Шунинг учун сиёсатимиз ҳам мустақил.

– **Шунга қарамай, қўшни давлатларнинг айрим журналистлари “Россия Қозғоғистонни қутқарди”, деб ёзишмоқда...**

– Ҳозиргина айтдим, Россия – Қозғоғистонга яқин жойлашган ҳамкор мамлакат. Шундай вазиятда унинг бизга ёрдамга келиши айтмасак ҳам тушунарли. Бу қутқариш эмас, умумий манфаатларни ҳимоя қилиш учун амалга оширилган иш-ҳаракат деб тушуниш керак. Бу – бир. Иккинчидан, мазкур масалага геосиёсий аҳвол жиҳатидан қараш керак. ЖХШТ – барчамизга муштарак тузилма. Россия ҳамда Ташкилотга аъзо мамлакатлар нафақат Қозғоғистон, балки ўзларининг ҳам хавфсизлигини ўйлайди. Шунинг учун ёрдам қўлини қўзди.

– **Умуман, Қозғоғистоннинг Россия билан муносабатлари қандай бўлиши керак? “Москва бизнинг ерларимизга кўз олайтирмоқда, шимолий вилоятларни тортиб олади”, деган фикрлар ҳам айтилди...**

– Биринчи саволингизга келсак, Қозғоғистон ва Россия ўртасида абадий тотув қўшничилик тўғрисида келишув бор. Россия – асрлар давомида ёнма-ён ҳаёт кечириб келаётган яхши қўшниларимиздан бири. Қозғоғистоннинг тақдирини ёзилган битик. Буни биз ўзгартира олмаймиз. Сиёсий, савдо-иқтисодий ҳамда маданий алоқаларни мустаҳкамлайверишимиз керак. Бу, энг аввало, Қозғоғистоннинг стратегик манфаатларига мос келади.

Иккинчи масала. Дарҳақиқат, баъзи россиялик сиёсатшунослар томонидан “Қозғоғистоннинг шимолий вилоятларида-

ги ерлар бизники”, деган сўзлар айтилди. Мен яна такрор айтаман. Бу – мантиқсиз, ноўрин фикр. Расмий ҳокимлик, яъни Кремль, албатта, бу фикрни қўлламайди.

Икки давлатнинг раҳбари ўртасида ер масаласига доир ҳеч қачон тортишув бўлмаган. В. Путин шахсан менга “ерга тегишли ҳеч қандай масалани кўтармаймиз” деб ваъда берган. Шу боис, хавотирга ўрин йўқ. Чегарамиз тўлиқ белгиланган, тасдиқланган. Бу ҳақиқатни бутун дунё тан олган. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда ҳеч қачон келишмовчилик бўлмаган. Россия Президентини шундай тамойилларга қатъий содиқлигини намойён этди.

– **Келинг, асосий мавзумизга – “Январь воқеалари”га қайтайлик. Кўплаб фуқароларимиз Тўнғич Президент ҳамда унинг оиласидан норозиликларини билдирди, ҳатто ғазабли сўзлар айтилди. Бунинг сабаблари маълум. Сиз Давлат раҳбари сифатида мана шу вазиятдан қандай сабоқ олдингиз?**

– Масалага мажмуавий ёндашадиган бўлсак, аҳоли норозилигининг замирида ўткир ижтимоий муаммолар ётади. Аксарият аҳолининг ижтимоий аҳволи ночор. Бу – ҳақиқат. Шу билан бирга, давлат бойлигининг аксарияти кичик гуруҳнинг қўлида. Тенгсизлик кучайиб бормоқда. Норозиликнинг таг-томири шу ердан бошланди. Бу масала юзасидан мен Парламентда, бошқа мажлисларда айтдим.

Афсусланарлиси, фуқароларнинг норозилигидан террорчилар ва жиноятчилар фойдаланди. Бунга барчамиз гувоҳ бўлдик. Ҳақиқатан, ижтимоий тармоқда Тўнғич Президентимиз ҳақида турли фикрлар айтилиб, ёзилмоқда. Қанча одам бўлса, шунча фикр бўлади.

Мен Давлат раҳбари сифатида Нурсултан Абишули Назарбаевнинг 30 йиллик меҳнатини унутиб бўлмайди, деб ўйлайман. Бу тарихга нисбатан ҳурматсизлик бўлади. Нурсултан Назарбаев – давлатимизнинг пойдеворини қалаган, мамлакатимизнинг тараққиётига улкан ҳисса қўшган шахс. Унинг фаолиятига ҳолис баҳо бериш бурчимиз. Тўнғич Президентнинг камчиликлари бўлса, ундан ёш раҳбарлар сабоқ олиши лозим. “Январь воқеаси” элимизга ҳам, менинг ўзимга ҳам улкан сабоқ бўлди. Тегишли хулосалар чиқарилди. Ҳозир давлатимизда қабул қилинаётган сиёсий қарорлар – шунинг натижаси. Олдимизда жуда кўп ишлар бор. Ўйлайманки, буни барча кўриб, тушунмоқда.

– **Албатта, сўнги вақтларда кўплаб ўзгаришлар бўлди. Шулардан бири – Ербўлат Дўсаевни Алмати шахрининг ҳокими этиб тайинлаган қарорингиздан норози фуқаролар митингга чиқди. Бу қарорни қайта кўриб чиқмайсизми?**

– Бундай фикрим йўқ. Алмати – элимиздаги энг йирик, ўзгача шахар. Шаҳардаги аҳвол, аҳоли фаровонлиги менинг диққат-этиборимда. Январь воқеаси вақтида шахарнинг иқтисодиётига катта зарар етди. Фуқаролар ва тадбиркорларнинг мулки талон-тарож қилинди. Кўплаб иншоотлар ёқиб юборилган ва вайрон қилинган. Энди буларнинг барчасини қайта тиклаш керак. Бу осон иш эмас. Бундай масъулиятли вазифа янги ҳоким Ербўлат Дўсаев зиммасига юкланди. У тадбиркорлик ва давлат хизматида катта тажрибага эга. Ишбилармон, меҳнаткаш одам. Биз унга ишлаш имкониятини беришимиз керак.

– **Яна қатор кадр ўзгаришларини амалга оширддингиз. Лекин ҳокимларнинг аксарияти ҳали ўз ўрнида қолган. Уларнинг тақдирини қандай бўлади? Яқин келажақда вилоят ҳокимлари сайлови жорий этилиши кутилмоқдами?**

– Кадрлар алмашинуви табиий ва узлуксиз жараёндир. Ҳеч қандай лавозим

абдий берилмайди. Янги талабларга жавоб бера олмаган одамлар ўз ўринларини бўшатишлари керак. Уларнинг ўрнини янги кадрлар эгаллайди. Ҳокимларнинг барчасини алмаштиришни мақсад қилиб қўйганим йўқ. Уларнинг фаолияти ҳар томонлама таҳлил қилинади. Асосий талаб – фуқаролар фаровонлигини ошириш. Шунинг учун, агар зарур бўлса, мен кадрлар бўйича тегишли қарорлар қабул қиламан. Ўзгаришлар, албатта бўлади.

Мен 2020 йили халққа йўллаган Мақтубимда илк бор қишлоқ ҳокимларини сайлаш тўғрисида айтиб ўтдим. Кўп вақт ўтмай, қишлоқ ҳокимларини сайладик. Ўтган йили халққа йўллаган Мақтубимда “Навбатдаги қадам – туман ҳокимларининг сайлови” деб айтган эдим. Уни 2024 йили ўтказамиз. Балки, қалдирғоч лойиҳа сифатида келгуси йилдан бошласак, ўринли бўлар.

– **Гап “Янги Қозғоғистон” ҳақида кетмоқда. Аммо эски тизимда узоқ вақт ишлаган шахслар юқори лавозимларга қайта тайинланмоқда. Одамлар эски мутахассислар билан янги Қозғоғистонни қандай барпо этамиз, дейишяпти. Бу ҳақда нима дейсиз?**

– Кадрлар масаласи жуда мураккаб ва жуда муҳим. Дарҳақиқат, кўп нарсаси малакали кадрларга боғлиқ. Менинг ташаббусим билан Президент ёш кадрлар захираси ташкил этилди. Унга ўтган фуқаролар босқичма-босқич масъул лавозимларга тайинланмоқда. Албатта, уларга чеклов бўлмайди. Биз бошқа одамларга йўл очишимиз керак.

Давлат хизматчиларига қўйиладиган талаблар жуда юқори бўлиши керак. Ҳамма ҳам бирданига вазир ёки ҳоким бўла олмайди. Бу аниқ. Бу бироз вақт ва катта тажриба талаб этади. Бундай лавозимларга билимли, малакали, ишига содиқ фуқаролар тайинланиши керак. Барча собиқ мутахассисларни ишдан бўшатиш ҳам мантиққа тўғри келмайди. Бизга “сиёсий тозалаш”нинг ҳожати йўқ. Аста-секин давлат бошқаруви янги мутахассислар келади. Келяпти. Бу – оддий жараён. Лекин бир нарсани ёдда тутиш керак. Давлат хизмати тажриба майдони эмас! Шунинг учун биз бу ишни босқичма-босқич амалга оширамиз.

– **Аввалги суҳбатингизда Сиз мамлакатда кадрлар етишмаслиги ҳақида айтган эдингиз. Дарҳақиқат, кўплаб малакали мутахассисларимиз хорижда. Ўқиш, касб-ҳунар излаб кетганлар ҳам бор. Хориждаги ватандошларимизни Қозғоғистонга қайтаришни режалаштиряпсизми? Умуман олганда, бу ҳаётга татбиқ этиш мумкин бўлган жиҳатларми?**

– Ҳа, ҳозир кўплаб малакали мутахассисларимиз хорижда. Бунинг учун ҳеч кимни айблаб бўлмайди. Ҳозир дунёвийлашув даври. Инсон истаган жойга бориб ишлаш ҳуқуқига эга. Биз, аввалроқ ўз соҳасида муваффақиятга эришаётган фуқароларни юртимизга таклиф қилган эдик. Юрта қайтган ватандошларимиз ҳам бор. Очиғини айтиш керак, мамлакатимизга билимли, тажрибали кадрлар керак. Умуман олганда инсон капитали даражасини ошириш керак.

Биз меҳнатсеварлик ва заковат мафкурасини юксалтиришимиз керак. Халқимиз жаҳонга, энг аввало, меҳнаткаш, касбига ҳалол миллат сифатида танилса, бу иқтисодиётимизга ижобий таъсир кўрсатади. Қарамлик ва дангасалиқдан йироқ бўлишимиз керак. Шундагина янги Қозғоғистон концепцияси амалга ошади. Ўйлайманки, биз ўтмишда катта мафкураравий хатога йўл қўйдик. Хорижга, Ўрта Осиёдан Россияга кетган ишчиларнинг устидан кулдик.

(Давоми 4-бетда).

БИЗНИНГ БИРГИНА ВАТАНИМИЗ БОР, У – ҚОЗОҒИСТОН

(Давоми. Боши 1-, 3-бетларда).

Чет элда биронта қозоқ ишламайди, кунимиз ўтпаптику, қора иш билан бошқалар шуғулланаверсин деб фахрландик. Ҳар қандай ишни қадрлаш керак, шундай эмасми?

Бугунги кунда Марказий Осиё ишчилари Россияда яшаб, меҳнат қилмоқда. Бизникилар эса меҳнат рақобатига чидай олмайди. Афсуски, бу “хомашё қарғиши”, яъни “хомашёга қарам бўлишнинг” оқибатлари.

– Шу муносабат билан эътиборингизни яна бир муҳим мавзуга қаратмоқчиман. Сиз “давлат ахборот урушида мағлуб бўлди”, дедингиз. Кўпчилик мамлакатимиздаги журналистика савиясидан норози. Бунинг сабабларидан бири – оммавий ахборот воситалари давлат томонидан қатъий назорат қилинади. Агар биз демократик жамият қурмоқчи бўлсак, ҳақиқатан ҳам оммавий ахборот воситаларини “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтаришимиз керак эмасми? Бу ҳақда фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

– Қозоқ журналистикасининг савияси паст дейиш нотўғри. Аксинча, унинг савияси ва салоҳияти юксаклигини таъкидлаш жоиз. Январь воқеалари пайтида ахборот бўшлиғи юзага келди, Ундан касбий тайёргарликдан ўтган террорчилар ва жиноятчилар ўз мақсадлари йўлида фойдаланишди. Биз Интернетни ўчиришга мажбур бўлдик. Бу – жаҳон амалиёти. Аммо бизда бошқа оммавий ахборот воситалари ҳам мавжуд. Жангарилар айрим теле-радио каналларнинг биноларига ўт қўйиб, вайрон қилган. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари узлуксиз ахборот тарқатишди. Ҳеч қандай чекловлар бўлгани йўқ.

Матбуот эркинлиги келсак, бизда қонун бўйича цензура йўқ. Ахборот эркинлигини имкон қадар таъминлаб келмоқдамиз. Бироқ, эркинлик дегани хаёлинга нима келса, шуни айтиш дегани эмас. Ҳар қандай демократик давлатда ёлгон ахборот тарқатган шахс жавобгарликка тортилади. Мен ҳар бир журналист, энг аввало, халқчил фуқаро бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Бу борада Н. Некрасов шундай деган эди: “Шоир бўлиш шарт эмас, фуқаро бўлиш – бурчинг”. Шундай экан, ҳар биримиз юртимизнинг ватанпарвари бўлишимиз керак.

Қозоқларда “айтилган сўз – отилган ўқ” деган нақл бор. Айни пайтда, афсуски, айрим журналистлар ёлгон маълумотлар тарқатиб, мамлакат манфаатларига зид фаолият олиб бормоқда. Сўнги пайтларда бузғунчи ишларни тарғиб этаётган блогерлар пайдо бўлди. Бироқ, фуқароларимиз оқ-қорани ажрата олади, деб ўйлайман. Дарҳақиқат, “ахборот уруши” дунёвий ҳодисадир. Шунинг учун биз бунга мослашимиз керак.

– Шу йил кузда сиёсий ислохотларни эълон қилишимизни айтдингиз. Режангиз ўзгармадими? Туб ўзгаришларни кутиш мумкинми?

– Қандай туб ўзгаришлар бўлишини айтишга ҳали эрта. Бироқ, қатор ўзгаришлар бўлади. Бу борада Парламент Мажлисидаги маърузамда айтдим. Мен янги сиёсий ислохотларни кузда эълон қиламан деб режалаштирдик, энди уларни март ойининг ўрталарида халққа йўллайдиган Мактубимда эълон қилишга қарор қилдим. Айни пайтда халқ ислохотларни катта умид билан кутаётганлигини яхши биламан. Шу боис ҳам “Янги Қозоғистонни бирга барпо этайлик” деган мурожаат билан йўллайман. Унда айтилган масалаларни кўпчилик қўллаб-қувватлашига ишончим комил.

Умуман олганда, ҳар қандай қийинчи-

ликнинг ортида улкан имкониятлар туради. Хитой тилидаги “инқироз” сўзи “янги имкониятлар” деган маънони англатади. Бу борада биз ҳам куч-қувватимизни Ватанимизни рағнақи йўлида сарфлайлик.

Албатта, фуқаролик жамияти, мустақил таҳлилчилар билан ҳар томонлама мулоқот олиб борамиз. Чунки, жамоатчилик фикри жуда муҳим. “Инсон давлат учун эмас, давлат инсон учун” тамойилини эълон қилдим. Шу муносабат билан Ҳукуматга тегишли таклифлар тайёрлашни топширдим.

– Сўнги пайтларда олигополия атамасини тез-тез ишлатмоқдасиз. Кўпчилик бунга ҳали ҳам тушунмайди. Бунга ҳамма тўлиқ англаб етди, дейиш қийин. Ахир, бу сўз нимани англатади? Бунинг маъносини нима?

– Олигополия – бу тор доирадаги одамларнинг иқтисодий соҳадаги ҳукмронлиги. Бизда шундай йўналиш тобора кучайиб бормоқда, бунга, айниқса, тадбиркорлар яхши билади. Бу ҳақиқий рақобатга, яъни адолатга тўсиқ бўлмоқда. Мазкур масалани ҳал қилмасак, иқтисодиётимиз ривожланмайди, ички сиёсий вазият янада оғирлашади. Шундай экан, ҳоқ иқтисодиётда, ҳоқ сиёсатда монополияни имкон қадар бартараф этиш менинг асосий мақсадим. Ундан бириўла қутулишимиз керак. Бу, албатта, осон иш эмас, лекин биз бунга астойдил киришимиз зарур. Бошқа йўл йўқ.

– Сизнингча, ҳозир жамиятимиз олда турган энг муҳим муаммо нима?

– Жамиятдаги энг муҳим масала – қонун устуворлигини таъминлаш. Афсуски, қонунларга риоя қилишни истамайдиган фуқаролар орамизда оз эмас. Бошқачароқ қилиб айтганда, ҳуқуқий ниғилизм кучайиб бормоқда. Ота-боболаримиз “Тартибсиз эл бўлмайди”, деб бежиз айтишмаган. Менинг тамойилим: жамиятда қонун ва тартиб бўлсагина, юртимизда тотувлик, ҳамжиҳатлик ҳукмрон бўлади. Қонун – ҳар қандай тараққий этган жамиятнинг асосий мезони. Қонун устувор бўлгандагина адолатли жамият шаклланади. Биз шундай жамиятга эришимиз шарт. Бу – менинг қатъий тамойилим.

– Ҳукумат мажлисида хорижга ноқонуний чиқарилган пулларни Ватанимизга қайтариш юзасидан топшириқ бердингиз. Топшириқингиз қачон бажарилади? Ушбу топшириқнинг мuddати ҳақида маълумот берсангиз?

– Мен Ҳукуматга тегишли топшириқ бердим. Ушбу масала юзасидан Ҳукумат икки ой ичида менга аниқ таклифларини беради. Шундан сўнг иш бошланади. Мазкур масала юзасидан кенг қамровли текширув юритиш зарур. Бусиз бўлмайди. Шундан кейингина чет элдаги тегишли идоралар билан музокаралар юритишга киришамиз. Кўриниб турибдики, бу жуда мураккаб ҳамда узоқ вақтни талаб этадиган жараён. Бунга очиқ айтиш керак. Лекин адолатга эришиш учун ушбу ишни бошлашимиз зарур. Хорижга ноқонуний чиқарилган пулларни мамлакатимизга қайтаришимиз шарт.

– Сиз икки мuddатгина Президент хизматини бажаришингиз мумкинлигини айтдингиз. Шундай экан, навбатдаги сайловда иштирок этишингиз аниқ экан-да?

– Бу тўғрисида Қомусимизда ёзилган. Президент икки мuddат ўз лавозимини эгаллаши мумкин. Ва бу талабни бузиб бўлмайди. Балки март ойидаги Мурожаатимда ушбу муҳим масала юзасидан таклифлар киритарман. Лекин ҳозир сайловда иштирок этаманми, йўқми, айтишга эрта.

– Сизнингча, Қозоғистоннинг келажаги қандай бўлади? Январь воқеаларидан сўнг кўпчилигимизнинг хаёлимизга “Мустақиллигимизни сақлай оламизми?”, деган фикр келгани рост.

– Халқимиз кўп синовларни бошидан ўтказди, барча қийинчиликларни енгди. Ўтган машъум воқеа даврида халқимиз бирлигини намойён этди. Ушбу қадриятни келажак авлодга етказишимиз зарур.

Қозоғистоннинг келажаги порлоқ бўлиши аниқ. Менинг бунга ишончим комил. Бизнинг ягона Ватанимиз бор. Бизда бошқа Ватан йўқ. Бўлмайди ҳам. Мамлакатимиз Мустақиллиги ҳамма нарсадан устун. Бу – исбот талаб қилмайдиган қоида, ҳақиқат. Уни кўз қорачиғидек асраш – барчамизнинг бурчимиз.

Мустақил давлат деганимиз нимани англатади? Бу – дунёвий жараёнга мослашган халқ. Ўз мустақиллигини сўз ёки шиор билан эмас, амалда исботлай олган давлат. Демак, “Мустақиллиқни сақлай оламизми?” деган гумон ҳеч кимда бўлмаслиги керак. Бу мантиқсиз хулоса, мантиқсиз гап. Аксинча, ҳар биримиз ўзимизга “Мустақиллигимизни қандай қилиб мустаҳкамлаймиз?”, деган савол беришимиз керак.

Тилимизга келсак, уни ҳам сақлаб қоламиз. Бошқача бўлиши мумкин эмас, сабаби, тарихимиздаги энг мураккаб даврларда тилимиз доно оғаларимиз, оддий халқимиз туфайли омон қолди. Чунончи, тил ислохотини амалга оширишимиз даркор. Масала лотин алифбосига зудлик билан кўчишда эмас. Бу ишга жиддий эътибор билан ёндашиш зарур. Чуқур таҳлил қилиниши зарур. Айниқса, тил масаласида шошилмаслик керак. Чунки, бу жуда нозик масала.

– Сизнингча, фуқароларимиз қандай яхши фазилатларни эгаллашлари керак?

– Бу ҳақда мен юқорида айтдим. Бу жуда муҳим масала, шу сабабли такрор айтаман. Биз жамиятда меҳнатсеварлик ғоясини шакллантиришимиз зарур. Тан олиш кераки, бу ҳозир энг асосий масала бўлиб қолмоқда. Биринчи навбатда, фуқароларимизнинг ҳалол меҳнат орқали муносиб ҳаёт кечиришлари учун имконият яратиш зарур. Бақувват давлат бўлиш нафақат ҳокимликнинг фаолиятига, балки, энг аввало фуқароларнинг меҳнатига боғлиқ. Мамлакатда турмуш даражасини шунчаки сўзлар билан эмас, аниқ ишлар билан кўтариш керак. Ёшларимиз мана шуни яхши тушунишни истардим. Мамлакатимизда маълум салбий омилларга қарамай, самарали, фойдали иш юритиш имкониятлари оз эмас. Яхшилик ва ёмонликнинг моҳияти ҳақида ҳеч ким буюк Абайдан яхшироқ тавсифлаши даргумон. Шундай экан, мутафаккирнинг “талаб, меҳнат, теран фикр, қаноат ва раҳм-шафқат” деган фикрларида катта маъно мужассам. Ушбу қоида бизга, айниқса ҳозирги замонда ҳаводек зарур.

– Қасим-Жўмарт Кемелули, Сиз қайси ахборот манбаларидан кундаликда фойдаланасиз? Телевизор, даврий нашр, ижтимоий тармоқлар...

– Даврий нашрни мунтазам кузатиб бораман. Бу менинг эски одатим. “Егемен Қазақстан”, “Айқын”, “Астана ақшамы” газеталарини ўқийман. “Ана тілі”, “Қазақ әдебиеті”, “Жас қазақ”, “Туркістан” газеталарини ҳам албатта мутолаа қиламан. Умуман, мен кўп ўқийдиган одамман. Яхши мақола, мусохаба бўлса, муҳим гапларнинг тағига чишиб қўяман. Муҳим масала бўлса, улар юзасидан тегишли аниқ вазифалар бераман. Ижтимоий тармоқлардаги ўткир мавзуларни эътибордан четда қолдирмайман. Телеканалларда янгиликлар ва таҳлилий дастурларни кўраман.

– Қасим-Жўмарт Кемелули, Сизнинг “Ота ҳақида мулоҳазалар” китобингиз асосида бир продюсерлик маркази фильм суратга олмақчи экан.

– Китобимдаги воқеалар асосида фильм суратга олиниши ҳақида ўқидим. Бу ҳақда ҳеч кимга ҳеч қандай вазифа юкламаганман. Топшириқ берилмайди ҳам. Бундай нарсаларни хуш кўрмайман. Бироқ ўзим ёзган “Ота ҳақида мулоҳазалар” китобимдан бош тортмайман, уни моҳияти кучли, деб биламан. Сабаби, унинг ёшларга фойдаси тегшиши аниқ. Бу – менинг ота-онам олдиданги фарзандлик бурчим.

– Ижодингиз ҳақида яна бир савол. Сиз дипломатия, ташқи сиёсат тўғрисида бир неча китоб ёзддингиз. Уларнинг орасида Элбошининг шахсига бағишланган “У тарих яратмоқда” китобингиз ҳам бор. Ҳозир шу китобни ёзганингизга афсусланмайсизми? Бундан ташқари, яна янги китоблар ёзиш режангиз борми?

– Афсусланмайман. Тўнғич Президентимизнинг меҳнати ҳақидаги китобга тўхталсак, қозоқда “Ўтган ишга ўқинма” деган гап бор. Мен жуда кўплаб воқеаларга гувоҳ бўлганман. Уларни қоғозга муҳрлашни тўғри деб билдим. Китобхонларнинг фикрича, китобларим юксак даражада ёзилган. Чунончи, шу кунгача талабалар менинг китобларимдан керакли маълумотларни олишмоқда.

Режа ҳақида айтадиган бўлсам, баъзи фикрларимни ёзадиган кундалик юритаман. Эҳтимол, бу келажақда асқотиб қолар. Келажақда ҳозирги ҳаётимиз ҳақида китоб ёзиш ниятим бор. Омон бўлсак, ёзарман.

– Яқинда Сиз Тўнғич Президент ҳақидаги қонунга киритилган ўзгаришларга қўл қўйдингиз. Яъни, Элбошининг қатор ваколати шу қонун бўйича тўхтатилди. Унда Хавфсизлик Кенгаши ва Қозоғистон халқи Ассамблеясига умрбод раислик қилиш мuddати яқунланди. Умуман, шу масала юзасидан фикрларингиз қандай?

– Бу тушунарли масала. Авваллари шундай қонунлар қабул қилинган бўлса, энди уларнинг кераги бўлмай қолди. Бунга тан олиш керак. Келажақда шу каби қонунлар қабул қилинмаслиги керак, деб ҳисоблайман. Аввал йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳам – бизнинг тарихимиз. Тарихдан сабоқ олиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Мақсадимиз – юртимиз келажагини ўйлаш, ёш авлодга ғамхўрлик қилишдир. Бошқа гап йўқ.

– Қасим-Жўмарт Кемелули, вақт ажратиб, телеканалимизга мусохаба берганингиз учун Сизга миннатдорчилик билдираман. Суҳбатимиз ниҳоясида телетомошабинларга, халқимизга нима дейсиз?

– Ҳақиқатан, бугун яхши, мазмунли суҳбат бўлди, деб ҳисоблайман. Халқимизга айтарим, бу дунёда қозоқларнинг тақдирини фақат ўзимиз ҳал қила оламиз. Биз учун ягона Ватан бор, у – Қозоғистон. Бу – бизнинг муқаддас Ватанимиз. Бизда бошқа Ватан йўқ. Ватанни ҳимоя қилиш, халқининг омонлигини сақлаш – ҳар бир фуқаронинг бурчи. Ана шуни унутмаслигимиз зарур. Қозоқ элига фаровонлик тилайман!

– Қадрли Қасим-Жўмарт Кемелули, суҳбат берганингиз учун яна бир бор миннатдорчилик билдираман.

Жайна СЛАМБЕК
суҳбатлашди.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ УЛУҒЛАНГАН ТАДБИР

Шимкент шаҳридаги Собир Раҳимов номли 53-сонли умумий ўрта мактабнинг катта мажлислар зали ўқувчилар, ота-оналар ва меҳмонлар билан гавжум. Мактаб саҳнаси театр сингаги безатилган, унинг тўрида “Асрлар садоси” деб ёзилган катта паннода Алишер Навоий, Бобур, Увайсий, Ғафур Ғулум, Муҳаммад Юсуф сиймоси акс эттирилган.

Миркомилова, Ҳ. Турсункулова, А. Собиржонов, Р. Маҳмудалиева-лар куч синашган бўлса, Ғ. Ғулум асарлари асосида Ф. Эргашова, Х. Аҳмедов, С. Комилжонов, Д. Хабибуллаева, А. Боймурзаева, А. Тўланбоев, Ш. Анорқуловлар ўз



Тадбирни Қозғистон ўзбеклари этномаданият бирлашмаларининг “Дўстлик” ҳамжамияти раиси И. Ҳошимжонов, мактаб директори Раушан Қалуқизи табрик нутқи билан очдилар.

Адабий кеча мазкур мактабнинг

мизу, халқнинг олқишини олган шоир ва ёзувчиларимизнинг ўлмас асарларини тарғиб қилиш ва келажак авлод онгига сингдиришдек муқаддас масъулиятни ўз зиммасига олган устоз С. Ғаниев сабоқ бераётган 10- “В”, “Г”, “Д”, “Е” синф

маҳоратларини намоиш этдилар.

Абай тумани ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси И. Олимқулов тадбирга юксак баҳо берди.

– Мактаб саҳнасини бутун умр орзу қилардим. Қани энди янги мактаб қурилса, унинг мана шундай саҳнаси бўлса, деб ният қилардим, – дейди нафақадаги ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, моҳир педагог, ҳайъат аъзоси Зулфиниса Усмонова. – Бугунги тадбирнинг ташкилотчилиги ҳамда истеъдодли ўқувчиларга ташақкур билдираман. Айниқса, шоира қизларимиздан 10-“Г” синф ўқувчиси К. Миркомилованинг ўз ижод намуналаридан баҳраманд бўлиб, бошим осмонга етди.

**Қалбимизда мангуга қолган,
Қалам билан дунёни олган,
Ғазал мулки султони бўлган,
Навоийдек бобом бор менинг.
Самарқандда армони қолган,
Анджонда кўз ёши қолган,
Ҳиндистонни Бобурий қилган,
Шоҳ Бобурдек бобом бор менинг.
Уруғ сочсанг олтин унгувчи
Қўлинг чўзсанг – юрак бергувчи,
Шоирлари тўла бу юртда,
Куйлагувчи элим бор менинг!
Кизганувчи юртим бор менинг!**

Мактаб директори тадбирнинг юксак савияда ўтиши учун жонбозлик кўрсатган фидокор ўқитувчи Салимжон Ғаниевга миннатдорчилик билдирди ҳамда “Заҳириддин Муҳаммад Бобур – буюк сўз санъаткори”, “Мир Алишер Навоий ижоди” ва “Нотиклик санъати” мавзуларида ўтказилган Халқаро илмий маърифий анжумани ва он-лайн танловда мактабимиз шарафини ҳимоя қилиб, юксак натижаларга эришган Ҳ. Турсункулова, Р. Маҳмудалиева, М. Абдусолиҳова, К. Миркомилова, Ш. Нурдиллаева ва бошқаларга дипломлар топширилди.

Танловда иштирок этган ҳар бир ўқувчи ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Дилбар ЗИЁМАТОВА.

• Булоқ кўрсанг – кўзини оч ...

Янги Иқон қишлоғидан фаол обуначимиз, назм танловлари ғолиби ва китоблар муаллифи Бобожон Ёқубов таҳририятга ҳамқишлоғи, ёш ижодкор Шоҳрух Муродхон ижодидан намуналар йўллади. Қуйида Туркистон шаҳрида ташкил этилган Аҳмад Яссавий номидаги адабий уюшмаси масъул ходими, ҚР Ёзувчилар Уюшмаси аъзоси Долимжон Сайфуллаев нашрга тавсия қилган муаллиф Ш. Муродхоннинг илк асарини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ЙИҒЛАМАНГ, ОНА!

Онкология диспансерида шифокорга навбат кутиб ўтирган йигитни суҳбатга тортдим. У бир хўрсиниб кўйиб, ҳикоясини бошлади. Унинг оғир, ғуссага тўла гапларини тинглаб ҳаяжонларимни назм сатрларига кўчиришга изн олдим.



“Эҳ, ҳаёт шунча аччиқ бўлмаса. Бахтли эдим, яқинларим ёнимда эди. Ҳозир умримнинг тугаб бораётганини биламан. Мен ҳам ҳамма қатори дўстларим, оилам, яқинларим, жигарларим билан бирга бахтли эдим. Ҳали уйланмаганман. Аввал яхши ишга кириб оёққа турсам, кейин уйланаман деб ўйладим. Ишим ҳам, ҳамкасбларим ҳам жуда яхши. Ишхонамда ҳурматим баланд.

Бир куни ишхонада ўтирсам, бошим қаттиқ оғриб бошлади. Авваллари ҳам оғриб турарди, лекин бунчалик кучли эмасди. Бу сафар оғриқдан ҳушимдан кетиб қолибман. Ҳамкасбларим шифохонага етказишибди. Кўзимни очсам, бир шифокор касалим жиддий – саратон эканлигини айтди, узоғи билан бир йилгина умрим қолганини, дарҳол кимё-терапия бошлаш зарурлигини айтди. Мен жарроҳи қилинишга рози бўлмадим. Чунки, бефойда эканлигини шифокорнинг гапларидан англаб етган эдим. Шифокордан ҳеч кимга бу хасталигим ҳақида айтмаслигини илтимос қилдим. Оз бўлсада, яшаш учун даволанишни бошладим. Аммо, санокли муддатдан сўнг бу фонийдан кетишимни биламан. Мен учун энг қадрли инсоним – онам қай аҳволга тушишларини тасаввур қилиб, фигоним фалакка етди.

**Эҳ, менинг онажоним, йиғлайман ичим тўлиб,
Бу дардимни билмасам, юрардим ўйнаб-қулиб,
Алам қилади менга, ёш жоним кетса ўлиб,
Умрим оз қолганин айтолмайман онамни деб,
Фақат йиғламанг, онам, мен ўлсам “тур, болам!” деб.**

**Ҳар бир нафасимнинг қадрин билаяпман, Худо,
Кундан-кунга ичимдан сўлиб бораяпман адо,
Энди менга “Тўйлар муборақ!” бермайди садо,
Умрим оз қолганин айтолмайман онамни деб,
Фақат йиғламанг, онам, мен ўлсам “тур, болам!” деб.**

**Ўлимнинг кутиб яшаш – энг оғир экан жазо,
Ҳар кунингда ўзингга тутиб яшайсан аза,
Умидларинг ўзингдан аввал бўларкан қазо,
Умрим оз қолганин айтолмайман онамни деб,
Фақат йиғламанг, онам, мен ўлсам “тур, болам!” деб.**

**Энди салом бераяпман ёнимдаги соямга,
Бу дунё кулаяпти, менинг қилган ноламга,
Индамайин яшириб, йиғлаяпман хонамда,
Умрим оз қолганин айтолмайман онамни деб,
Фақат йиғламанг, онам, мен ўлсам, “тур, болам!” деб.**

**Шоҳрух МУРОДХОН,
ХҚТУнинг иккинчи курс талабаси.
Туркистон шаҳри.**

Р.С. Шоҳрух Ҳасанов 1998 йил 14 сентябрда Кентов шаҳрида туғилган. Янги Иқон қишлоғидаги М. Улуғбек номли мактабни 2016 йили тамомлаган. Айни пайтда Туркистон шаҳрида истиқомат қилади.



олий тоифали ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Халқаро Амир Темур жамғармасининг Туркистон вилояти бўйича раисининг ўринбосари, И. Алтинсарин медали билан тақдирланган Салимжон Ғаниевнинг “Адабий ришталар” китоби тақдироти билан бошланди. Мактаб ўзбек тили ва адабиёти фани бирлашмаси раҳбари Карима Абдуҷабборова устозининг кейинги йилларда Қозғистон, Ўзбекистон, Туркия, Миср, Австралияда чиқарилган тўпламлари билан таништириб ўтди. “Адабий ришталар” китобининг рамзий тасмасини ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг фахрий устози Б. Турдиқулов, И. Ҳошимжонов, Р. Қалуқизи қирқиб, мазкур китоб меҳмонларга тўхфа қилинди.

Тадбирнинг “Асрлар садоси” деб номланиши ҳам бежиз эмас, асрлар давомида янграб келаётган ва яна қанча-қанча асрлар янграйдиган мумтоз ғазаллари-

ўқувчилари иштирокида адабий-бадий кўрик танлов, ажойиб мушоира ўтди. Кўрик-танловнинг шартлари Алишер Навоийнинг ғазалларини аруз вазнида ўқиш, Ғафур Ғулумнинг “Ҳасан Кайфий”, “Менинг ўғригина болам”, “Насридин Афанди ва шайтон” “Шум бола” асарлари асосида саҳналаштирилган лавҳаларни намоиш этиб, Муҳаммад Юсуф шеърлари ва ўқувчиларнинг ўзлари ёзган шеърларини ифодали ўқиб, томишабинлар ҳукмига ҳавола этишдан иборат эди.

“Энг яхши ўқилган ғазал” танловида Р. Тошметова, Ҳ. Турсункулова, А. Собиржоновлар иштирок этган бўлса, Муҳаммад Юсуф шеърларини С. Мираҳимов, С. Эргашова, Р. Маҳмудалиева, К. Миркомиловлар маҳорат билан ўқидилар.

“Энг яхши ёзилган шеър” номинацияси бўйича М. Абдусолиҳова, А. Исломова, Н. Дўсматова, К.



Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Аллоҳ таолога битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин.
Пайгамбаримизга мукамал ва батамом савомату дурудлар бўлсин.

АЛЛОҲНИНГ ГЎЗАЛ ИСМЛАРИ

Ал-Фаттоҳ

«Ал-Фаттоҳ» исмининг маъноси кўплаб нарсаларни очувчи, Ўз раҳмати хазинасини бандаларга очувчидир.

Гоҳида инсон қаршида ризқ эшикларини ёпилиб қолиб, эшикни ҳар қанча тақиллатмасин, ёпиқлиги тураверади. Ана шу пайтда Аллоҳ таоло мўмин бандаларига ҳалол ризқ эшигини очади, чунки у Зот ал-Фаттоҳ, яъни Очувчидир.

Гоҳида инсон бедаво дардга чалиниб қолади. Энг кучли шифокорлар тўллаиб ҳам, унинг шифо топишидан ноумид бўлиб қолишади. Ана шу пайтда Аллоҳ таоло ўша мўминга шифо эшигини очади.

Бизга шифо эшигини очган ким? Ризқ эшигини очган ким? Оила эшигини очган ким? Фарзандли бўлиш эшигини очган ким? Касбуна эшигини очган ким? Солиҳ амал эшигини очган ким? Аллоҳ йўлига даъват қилиш йўлини очган ким? Тилимизни гапиртирган ким?

Жавобимиз битта: буларни барчасини Ал-Фаттоҳ сифатли Зот очган. Шунинг учун одамлар «Ё Ўзалий, ё Раззоқ, ё Карим» каби дуоларда «Ё Фаттоҳ!» деб ҳам ёлворивади.

«Аллоҳ одамлар учун не бир раҳмат-марҳаматни очиб қўйса, уни тўсиб қолгунча бўлмас. У Зот нени ушлаб қолса, У Зот (ушлаб қолганидан сўнг уни юборгунча бўлмас. У қудрат, ҳикмат эгасидир» (Фотир сураси, 2-оят).

Мўмин инсон Аллоҳ таолонинг Ал-Фаттоҳ исмига ниҳоятда боғлиқдир, муҳтождир. Ризқ эшиги ёпилиб қолса, Аллоҳ ҳалол ризққа кенг эшик очади. Тузалишдан умид узилса, комил шифо эшигини очади. Кушойиш эшигининг очилиши фақат Аллоҳ таолога боғланса, умидлар чиппака чиқмайди. Ал-Фаттоҳ исмидаги энг нозик маъно ҳам мана шундир.

Бир дўстим бор. У узоқ вақт тирноққа зор бўлди. Кейин эса аёлининг ҳомилдорлик даври жуда қийин кечди. Туғруқ пайтида боланинг мияси бироз шикастланди. Шифокорлар боланинг келажакда кўр, шол ёки ногирон бўлиб қолишдан кўп оғоҳланганини ўзим эшитдим. Улар бу ҳақда кўп гапирганидан дўстим кўп маҳзун бўлиб, ҳатто бир лаҳза фарзанднинг вафот этишини иштагача бориб қолди. Лекин Аллоҳ таолога ёлвориб қилган дуоси, У Зотга қаттиқ ишончи сабабли Аллоҳ ал-Фаттоҳ исмининг баракасидан унга шифо эшигини очди. Ҳозир ўша бола Азҳар университетининг олий шоходатини қўлга киритиб, муносиб лавозимларда ишламоқда.

Биз ҳам орзу-умидларимизни Аллоҳга боғласак, Аллоҳдан бошқасидан умид қилмасак, Аллоҳдан бошқага дуо қилмасак, Аллоҳдан бошқага ишонмасак, Аллоҳнинг Ўзигагина юзлансак, Аллоҳ бизга Ўзининг ал-Фаттоҳ исми билан йўл очади. Зеро, У Зот дуодаги ихлосимиз, истиқоматимизни билади, барча ишларнинг тадбири У Зотнинг қўли остидадир. Биз Аллоҳ билангина кучли бўламиз, Аллоҳ билангина беҳожат бўла оламиз. Зеро, беҳожатлик эшигини ал-Фаттоҳ очади. Зулматдан нажот эшигини ал-Фаттоҳ очади. Оиланинг,

бу фароғат қасрининг эшигини ал-Фаттоҳ очади. Касб, ризқ эшигини ал-Фаттоҳ очади. Илм йўлини ал-Фаттоҳ очади. Муваффақият эшигини ал-Фаттоҳ очади. Демак, ҳар бир мўмин-мусулмон Роббининг ал-Фаттоҳ исмига мустаҳкам ришта ила боғлиқдир.

Дунёдаги барча нарсани Аллоҳ таоло фатҳ қилган, яъни очгандир. «Аллоҳ одамларга не раҳматни очса, уни тутиб қолгунча бўлмас. У Зот тутиб қолган нарсани Ундан кейин қўйиб юборгунча бўлмас. У Зот азиздир, ҳақимдир» (Фатҳ сураси, 2-оят).

Кўплаб салафи солиҳлардан, мутақаддим Исломуламоларидан нақл қилинганки, агар улар навқирон, тоат-ибодатда мустаҳкам, Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилишга муштоқ йигитни кўрсалар, «Аллоҳ сенга орифларга очган файзи футуҳини очибди», дейишар экан. Илм ҳам фатҳ, муваффақият ҳам фатҳ, оила қуриш ҳам фатҳ, ишга жойлашиш ҳам фатҳ, одамларнинг ишончини қозониш ҳам фатҳдир. Буларнинг барчаси фатҳдир. Аллоҳ эса Фатҳ қилувчи, яъни Очувчи Зотдир. Уламолар илм талабидидаги ғайрати чин бўлмаган йигитни кўришса, «Болам, сенинг очилиб кетишинг биздан бошқанинг қўлида экан», дейишар экан.

Ал-Фаттоҳ исмининг маънолари:

1. «Ал-Фаттоҳ» сўзи «барча нарсанинг эшигини очувчи» деган маънодадир. Аллоҳ таоло ал-Фаттоҳ исми ила илм эшигини, ризқ эшигини, амал эшигини, оила қуриш эшигини, солиҳ фарзанд кўриш эшигини очади.

2. Аллоҳ таоло ал-Фаттоҳ исми ила шахслар ёки миллатлар орасидаги келишмовчиликнинг орасини ажрим қилиб, орани очувчи.

Одатда ҳар бир тараф ўз мантиқига, ўзининг манфаатига мувофиқ, ўзининг ҳақ эканини даъво қилади. Лекин уни ким ажрим қилади? Гоҳида эр-хотин орасида келишмовчилик чиқиб қолади. Қайси берига қулоқ тутсангиз, ўша тараф ҳақ бўлиб кўринади.

Ривоят қилишларича, бир киши одамлар орасида қозилиқ қилар экан. Унинг олдида икки хусуматчи келибди. Қози биринчисининг гапини эшитиб, «Сен ҳақсан», дебди. Иккинчисининг гапини эшитиб, «Сен ҳам ҳақсан», дебди. Хотини парда ортида буни эшитиб турган экан, эрига: «Қандай қилиб иккиси ҳам ҳақ бўлиши мумкин? Иккисидан бири ҳақ бўлмайди?» деса, қози: «Сен ҳам ҳақсан» деган экан.

Ҳа, ҳар ким ҳам ўзиникини маъқуллайди. Шундай экан, бу келишмовчилик ва ихтилофларни ким холис ажрим қила олади? Одамлар ихтилоф қилган нарсани фақатгина Аллоҳ таоло ажрим қила олади.

«Қиёмат куни улар ихтилоф қилган нарсалар тўғрисида Роббинг Ўзи ажрим қилур» (Сажада сураси, 25-оят).

Ушбу маънонинг ўзига хос ҳолатлари бор. Масалан, эр-хотин

орасида келишмовчилик чиқиб қолди. Охири иш талоққача етиб борди. Аллоҳ буларни қандай ажрим қилади? У Зотнинг ажрим қилиши шуки, зolim томоннинг келгусидаги турмушини қовуштирмайди. Мазлум томоннинг келгусидаги турмушини бахтли қилади. Агар тижоратдаги икки шерик келишмовчиликка бориб, охири ажраб кетишса, зolim шерикнинг келгусидаги иши ривож топмайди. Мазлум шерикнинг ишлари эса ривож топади. Аллоҳнинг ҳақ ила ажрим қилиш ҳукми мана шундай кечади.

«Роббим, биз билан қавмимиз ўртасида ҳақ ҳукм қилгайсан. Ўзинг ҳукм қилгунчаларнинг яхшироғидирсан» (Аъроф сураси, 89-оят).

Ушбу Ал-Фаттоҳ исмининг бизга тааллуқли жиҳати шуки, агар биз ҳақ йўлда бўлсак, нафсимизни билсак, истиқоматда, яъни тўғри йўлдалигимизни билсак, ниятимиз поклигини билсак, одамларнинг гап-сўзидан кўркмайлик. Зеро, улар сенга асосиз гапларни тақашмоқда. Модомики ҳақда экансан, кўркма. Сен Аллоҳнинг қуйидаги қавлини унутма:

«Аллоҳга таваққул қил. Албатта, сен очиқ-ойдин ҳақдадирсан» (Намл сураси, 79-оят).

Мушрик одамнинг, мўмин бўлмаган ёки иймони заиф кишининг ҳаёти парчаланган ҳолатдадир. Чунки у мудом раҳбарларни, ўзи қарам бўлган одамларни рози қилишга ҳаракат қилади. Оилада эса хотинини рози қилиш ҳаракати бўлади. Аммо ишхонадагиларни рози қиламан деса, хотини норози бўлади. Хотинини рози қилай деса, ишдагилар норози бўлади. Қариндоши номашруъ маишатга таклиф қилса, бораман деса Аллоҳнинг ғазабини келтиради. Бормаса, қариндошининг ғазабига учрайди. Қўйингки, ғайримусулмоннинг ҳаёти буткул ана шундай изтиробда ўтади. Мўмин киши эса Аллоҳнинг ал-Фаттоҳ исмини яхши англаб, барча муаммоларнинг эшигини фақат У Зот очишини билгач, фақат У Зотнинг розилигига эришишга интилиб, роҳат-фароғатда яшайди.

Машҳур ҳадиси кудсийда Аллоҳ таоло дунёга шундай дейди: «Ким Менга хизмат қилса, сен унга хизмат қилгин. Ким сенга хизмат қилса, уни ишлатгин».

Инсоннинг ушбу исмига алоқаларидан яна бири бандалар учун хайр-яхшилик эшигини очишдир. Демак, инсон қўли очиқ бўлиши керак, хасис, зикна бўлмаслиги керак.

Бу илоҳий риштаннинг яна бир кўриниши – Аллоҳ қалбимизга илм эшигини очиши учун жидду-жаҳд қилишимиздир.

**Доктор Муҳаммад
Ротиб Наблусийнинг
«Аллоҳнинг гўзал исмлари»
номли асарига асосида
Анвар АҲМАД таржимаси.**



Ҳидоят
сарии

● Табиатнинг ўзи табиб

КИНОА ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ?

Ушбу маҳсулотни ҳеч истеъмол қилиб кўрганмисиз? Унинг фойдали хусусиятлари ҳақида биласизми?

Киноа Ер юзидagi қадимий ўсимликлардан бири бўлиб, америкалик ҳиндуларнинг энг муҳим таомларидан бири бўлган. Инклар тамаддуни даврида киноа мак-кажўхори ва картошка билан бирга учта асосий таомлардан бири эди. Инклар уни «олтин дон» ёки «барча донларнинг онаси» деб аташган.

БМТ Бош Ассамблеяси 2013 йилни Халқаро киноа йили деб эълон қилди. Мақсад – Жанубий Американинг туб аҳолиси табиат билан уйғунликда яшаб, узоқ умр кўрганини, соғлом ва кучли бўлганини, бундай ноёб маҳсулот ҳозирги ва келажак авлодлар умрини сақлаб қолиш учун ҳам зарурлигини эътироф этиш эди.



Бир неча йиллар муқаддам киноани ихтисослашган соғлом овқатланиш дўконларидан топиш мумкин эди. Бугунги кунда эса уни оддий супермаркетлардан ҳам сотиб олишингиз мумкин. Ёки ундан тайёрланган таомни истеъмол қилмоқчи бўлсангиз, деярли ҳар бир кафеда буюртма беришингиз мумкин. Ушбу ёрма жуда кўп протеин, магний ва клетчаткага бой бўлгани учун машҳур бўлди. Қолаверса, уни тайёрлаш ҳам осон.

Оқ, қизил ва қора киноа мавжуд. Биз оқ ранга кўпроқ ўрганганмиз. У нейтрал таъмга эга. Қолган иккита тури ёрқин таъмга эга ва улар камроқ қайнатилганлиги сабабли тиниқроқ бўлади. Қора ва қизил киноани салатларда фойдаланган маъқул. Қораси энг парҳезлиси ҳисобланади. Унда ёғ миқдори жуда кам.

Киноа паст гликемия индексига эга озуқа бўлиб, у 55дан паст баҳоланади. Ёрма таркибида глютен йўқ. Бир стакан (185 гр.) туз ва ёғ қўшилмай пиширилган киноа 222 калорияни ташкил қилади.

Киноа таркибига қуйидагилар кирди:

Оқсил – 8 гр., ёғ – 4 гр., углеводлар – 39 гр., клетчатка – 5 гр., шакар – 2 гр., натрий – 13 мг.

Киноа тўлақонли оқсил бўлиб, инсон организми учун жуда зарур барча тўққизта муҳим аминокислотани ўз ичига олади. Шунингдек, у темир ва магнийнинг бой манбаидир. Киноанин яна бир афзаллиги шундаки, унда Е витамини, калий ва магний мавжуд.

Темир моддаси кислородни бутун танага ташишда ёрдам берадиган муҳим минерал бўлиб, ёгда эрийдиган Е витамини эса антиоксидант вазифасини бажаради.

Ниҳоят, калий қон босимини меъёрда сақлаб туради ва оқсил синтезини кучайтиради.

ЯНА ҚАНДАЙ ФОЙДАЛИ ХУСУСИЯТЛАРГА ЭГА?

● Иммуניתетни мустаҳкамлайди.

● Рухиятга тинчлантирувчи таъсир кўрсатади.

Қонда шакар даражасини тартибга солишда ёрдам беради. Антиоксидант бўлиб танадаги эркин радикалларга қарши курашади.

Қондаги натрий даражасини тартибга солишга ёрдам беради, қон босимини пасайтиради. Қандли диабет учун ниҳоятда фойдали. Суякларни мустаҳкамлайди. Саратон касаллигини олдини олади. Ошқозон ости безининг самардорлигини оширади. Витаминлар туфайли тиш, соч ва тирноқларнинг ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади. Осон ва тез тўйдиради, очликни қондиради.

КИНОАНИ ҚАНДАЙ САҚЛАШ КЕРАК?

Қуруқ киноа узоқ вақт сақлаш муддатига эга. Уни ўз қути-сида ёки ҳаво ўтказмайдиган идишда сақлаш мумкин. Уруғ бўлгани учун одатда яроқлик муддати бор, лекин ундан кейин ҳам фойдаланиш хавфсиздир.

Киноани болалар таомномасига киритиш мумкин. Ёрманинг кичкина уруғларида бола яхши ривожланиши учун зарур бўлган барча озуқа моддалари бор. Мутахасссларнинг фикрига кўра, киноа болаларда суякларнинг мустаҳкамла-ниши ва бўй ўсишига ёрдам беради.

“Саломатлик сирлари”дан.

Эслатма. Газетамизда Аллоҳнинг каломини ва исмларини чоп этилганлиги боис уни ножиоз жойларга ташлаш маъносида қўйилган.

• Турмуш чорраҳаларида



Мана йигирма йилдирки, 80 ёшли Обид ота ёлғиз. Далаю дашт, қир-адир, тоғу тошлар кезади. Доривор гиёҳларни тўплаб табибларга сотади ва шу тариқа тирикчилигини ўтказади. Қишда масжид, чойхоналарда тунаб, баҳорни қаршиласа, ёз ойларида чўпонлар ўтови ёки яйловдаги майсалар устида ухлаб тонгни қарши олади.

Унинг болалиги болалар уйда кечди. Ота-она дийдорини кўрмаган. Жигар-яқинларини эслаш тугул, ҳатто кимликларини ҳам билмайди. Балоғат ёшига етгач, ҳамқишлоғи Ҳалимага уйланди. Афсуски, аёли билан салкам қирқ йил яшасада, фарзанд кўриш насиб этмади. Аёли оламдан ўтгач, ота бутунлай ёлғизланиб қолди. Обид ота ҳукумат берган уйини сотиб, пулини ўзи тарбияланган болалар уйига ҳоми сифатида топширди. Кейин ўзига эрмак топди. Дала-дашдан ўт-ўлан, гиёҳ териби тирикчилик қила бошлади. Отахон камгап. Гуё кимдандир кўнгли қолгандек.

У Комилбой – сирдош ошнаси билангина дилдан суҳбат қурарди. Дўсти оламдан ўтгач, Обид ота бутунлай ёлғизланиб қолди. Қария болалар уйига тез-тез бориб, қўлига илинганини ташлаб, болаларни ўйнатиб, яйраб қайтади. Умрининг мазмуни ҳам шу энди. Мана, қиш ҳам тугаб, қарияга яна эрмак бошланди. Ёмғирли кунлар бўлишига қарамай, бугун ҳам у тоғ-тошлар бағрида кезиб юрибди. Ёмғир эса шаррос куймоқда. Уст-боши шалаббо бўлиб, совуқдан қалтирай бошлади.

Гулхан ёқиб, исиниб олмоқчи бўлди. Шох-шабба тўплаб, арқонга боғлади, сўнг бошпанага арзигулик жой қидира бошлади. Ёғоч ҳассасига таянган ҳолда елкасидаги қопни орқага ташлаб, иккинчи қўлида ўтинни кўтарганча анча юрди. Шу пайт унинг кўзлари тоғ бағридаги унча катта бўлмаган ғорга тушди. Ҳаллослаб етиб келиб ичига аста бошини сўқди. Қоронғуликка кўзи ўрганмади, ҳарқалай, қоқилиб йиқилди, сўнг ўзини тиклаб, ўтирди. Кейин ўрнидан туриб мункиллаганча гулхан ёқишга уриниб кетди. Терган нам ўтинлари ҳадеганда аланга олавермади. Гулханни аранг ёқиб, қопидан егуликларни чиқариб, ўртага ташлади. Олов тафти қарияга ҳузур бағишлади. Ажин босган қўлларини қалтиратганча анча вақт ёнаётган оловга чўзиб, хаёл суриб ўтирди. Ғорнинг ичига разм солди, анча кенг экан, деб кўйди ўзига-ўзи. Тамадди қилиб олгач, олов атрофида кийимларини қуритди. Шу пайт унинг кўзига ғорнинг бурчагида ғимирлаётган бир нарса чалиниб қолди. Бориб қараса, каттагина тошбақа. Уни қўлига олиб, анча вақт тикилиб ўтирди. Унга нон ушатиб олдига кўйди. Кейин бирозгача ғор ичидан ташқарини кузатиб ўтирди. Ёмғир бир маромда ёғиб турарди. Отанинг завқи ошиб кетди, ҳайтовур тунни шу ерда ўтказишга қарор қилди. Барибир борар эшиги йўқ, боз устига ёлғизликни хуш кўради. Гиёҳлар етилишига ҳали эрта. Бу ерга келганининг боиси, қишда чойхонада роса зериккан. Ғор ичида тошлар устида ётиб ухлашинг иложи йўқ. Чол кучи етган жойидан кўчирган олган тошларни олиб, бир томонга тера бошлади. Анча вақт тош кўчириш билан машғул бўлиб, терлаб кетди. Гулхан тафти ғор ичини

иситиб юбормасада, файз киритгандай бўлди. Чопонини тошлар устига ёйиб аста ёнбошлади. Қопини бошига ёстиқ каби ташлади. Ўй-хаёлларга берилиб, узоқ вақт бир нуқтага боқиб ётди. Шу тобда кампири билан ўтган кунларни ёдга олган бўлса, ажабмас. Ёки дўстини эсладимми, ҳарқалай хаёллар қарияни узоқ саёҳатга



чорлади. Ёлғиз инсоннинг кўрган кунни курсин. Боз устига қариллик. Бу паллада одам ёш боладай бўлиб қоларкан. Сал нарсани кўнглингга олиб қоласан. Утган умринг кўз олдинда гавдаланаверади, тўйиб-тўйиб йиғлагинг келади. Обид ота ҳозир ғор ичида ётиб шу ҳолни бошидан кечирарди.

У ўрнидан туриб, қўлига пичоғини олди ва ғорнинг чап томонидаги тошларни чиқариб, тошбақага уя қурмоқчи бўлди. Ота билмайдикки тошбақа учун бутун тоғ уя. Пичоқнинг тошларга кучи етмади. Кейин қопидан илдиб қовлайдиган тешасини чиқариб ишга солди. Анча вақт уриниб, бир қарич чуқурликдаги тошларни олиб ташлади. Иш давомида кутилмаганда теша нимагадир тегиб, жаранглаб кетди. Қария ҳайрон бўлиб, ўша жойни яна урди. Яна темир жаранги ғор ичида акс-садо берди. Отанинг қизиқиши ортиб, тез ишга киришиб, ғор сирини билишга ошиқди. Майдалаб кўчирган-кўчирган, охири тошлар орасидан юмалоқ, оғир бир темирни чиқариб олди. Обид ота

ҳам анойилардан эмас. Дарҳол пичоғини олиб уни қиртишлай бошлади. Бу қандайдир кўнғироқ эди. Топилгани узоқ томоша қилиб, нималигини англай олмагач, белбоғига тугиб, кўп ўйлаб ўтирмай, қишлоғига йўл олди. Ҳансираган кўйи зилдай темирни кўтариб, қош қорайганда қишлоққа кириб келди. Чойхонада тунаб, тонг оттиргач, соатсознинг устахонаси томон йўл олди. Уста кўнғироқни узоқ текширди ва деди:

– Оға, бу кумуш кўнғироқни қаердан олдингиз?

қилди. Лекин кўнғироқ ҳақида ҳеч кимга лом-мим демади.

Орадан кўп ўтмай қизиқ воқеа рўй берди. Қишлоқдан соатсоз кўчиб кетибди, деган овоза тарқалди. Айтишларича соатсоз шаҳардан данғиллама уй, устахона сотиб олганмиш, жудаям бойиб кетганмиш, уйдан хазина топиб олганмиш, шу каби деди-деди, миш-мишлар болалаб кетди.

Бир куни чойхонада Обид отага қариялар газета кўрсатишиб, “Ўқинг оқсоқол, бу бизнинг соатсоз бўлади, қаранг, газетага чиқаришибди”, дейишди.

– Мен саводсизман, ўқиб бера қолинглар, – деди қария.

– Қисқаси, бизнинг соатсоз уйининг пойдеворидан узоқ тарихга эга, ҳиндларга тегишли кумуш кўнғироқни топиб олиб, ҳисобсиз пулга ҳукуматга сотибди, қаранг бахти бор экан, шоввознинг, – дейишди мўйсафидлар. Обид ота ютиниб кўйди ва аста сўради:

– Агар мен ҳам шундай кўнғироқча топиб олсам, ҳукумат берган пулга болалар уйи қуришга бўлардимми?

– Иккита болалар уйини қурардингиз оқсоқол, – дейишди чойхўрлардан бири.

Обид ота ўша кунгидеки тоққа йўл олди. Тўхтаб-тўхтаб, дам олавериб, кечаси аранг манзилга етиб борди. Ғор ичида тунаб, тонг отиши билан ишга киришди. Ғор ичинини бутунлай кўчириб кўрди, лекин хазина топилмади. Қариянинг ҳафсаласи пир бўлиб ғордан чиқди. Яна бир кун тоғ бағрида

ўт-ўлан териби, қишлоққа қайтди. У амин бўлдики, азал-азалдан мозий сирларини яшириб келаётган жойлар ҳали кўп экан. Мана шу воқеа рўй берганига ҳам бир йилдан кўп вақт ўтиб кетди.

Не-не шоҳу султонлар, бой-амалдорлар яширган хазиналарнинг қанчаси она ер остида ётгани ҳақиқат. Қолаверса, уруш-жангларда яшириб қўйилган хазиналар ҳам беҳисоб. Фақат шоҳ-султонларгина бойликларини баланд тепалик, тоғу-тошлар орасига яширганлар. Англияда ака-ука кўза ясовчилар ҳам қирда тупроқ қовлаётиб, беҳисоб хазина топишган.

Ўтрор, Туркистон, Сайрам бағрида ҳам ҳали кўплаб қадимий ёдгорлик ва беҳисоб хазиналар топилиши мумкин. Чунки, бу тарихий ва сеҳрли ўлкаларда ҳали тизимли қазилма ишлари олиб борилмаган. Ўзимизнинг авлиёлар макони бўлган Сайрам диёрига кимларнинг қадами тегмади дейсиз? Не-не анбиёлар, олим-уламолар яшаб ўтган бу она заминимиз ҳали бизга қанчадан-қанча тарих сирларини очиб беради. Хазина бу фақат олтин-кумушда эмас, оддий бўлсада, тарих тилсимини оча олса, келажак тарихи учун янгилик ярата олса, у тарихимиз зарварақларини янада бойитади.

Ҳа, серқуёш Ватанимизнинг бағри тилсимларга бой.

Равшанбек УБАЕВ,
Сайрам тумани.

• Ибрат соҳиллари

ТАШҚИ КЎРИНИШ

«Инсоннинг гавҳари қалбда бўлади. Ташқи кўриниши доим ҳам қалбини изҳор қилавермайди. Бироқ негадир инсоннинг ташқи кўринишига қараб муомала қилишга одатланганмиш. Бу эса баъзида бизларни хижолатга ҳам солиб қўяди».

Шайх Али Тонтовийни Ироқдаги бир университетга адабиёт ўқитувчиси этиб тайинлашди. У дарсга киришдан олдин Бағдод кўчаларида анча вақт пиёда айланиб сайр қилди. Дарсга кириб келганида уст-боши чанг бўлиб кетган, хонада эса бошқа бир ўқитувчи талабаларга дарс ўтаётган эди. У анча кўпол муомалалик инсон эди. Инчунун шайхни ҳам талабалардан бири деб ўйлаб дўқ қилди:

– Эй эшак! Нега дарсга кеч қолдинг?

Шайх Али камоли одоб ила ундан узр сўраб, биринчи қатордаги талабалар ёнига бориб ўтирди. Ўқитувчи гапини

келган жойида давом эттирди:

– Тез орада сизларга дарс бериш учун йирик адиб, машхур шоир Али Тонтовий келади. Унинг олдида юзмин ерга қаратиб қўйманглар.

Кейин улардан баъзи нарсалар ҳақида сўрай бошлади. Шайх Али ҳам бошқалар каби оддий талабадек жавоб берар эди. Ўқитувчи унинг зукколигидан ажабланди ва:

– Аббосийлар ҳукмронлиги давридаги энг машхур шоирлардан Ал-Бухтурий ва Абу Тамом ижодини қиёслаб бера оласанми? – деб савол берди.

Шайх жуда чиройли тарзда, муфассал жавоб берди.

Ўқитувчи ҳайратга тушиб:

– Сен янги талабага ўхшайсан, исминг нима? Деб сўради.

– Исмин Али Тонтовий, – жавоб берди шайх.

Ўқитувчи бу жавобдан ҳушидан кетаёзди.

“Ибратнома”дан.

«Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти ва Туркистон шаҳридаги Алишер Навоий номи мактабнинг устозлар ҳамда ота-оналар жамоаси ушбу мактаб директори Ҳикматулла Ажиметовга падари бузруквори, меҳнат фахрийси

Ибодулла АЖИМАТ ўғли-

нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!



Украинанинг Луганск шаҳрида 55 ёшдан ошган эркаклар ҳам армияга чақирилди.

● Туркистон – туркий оламнинг маънавий пойтахти

Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, Қозоғистон Халқи Ассамблеяси аъзоси Баҳодир Ирисметов “Жанубий Қозоғистон” газетаси саҳифаларида баён этилган кўплаб таклифлар асосида, хусусан, қозоқ ва ўзбек адабиётлари ҳамда халқлари дўстлиги, ҳамкорлиги ишига баракали ижоди билан улкан ҳисса қўшган туркистонлик атоқли адиблар – Миртемир Турсунов (1910-1978), Одил Ёқубов (1926-2009), Носир Фозилонинг (1929-2018) исмларини абадийлаштириш мақсадида хайрли ишга камарбаста бўлди.



Яъни, ҚР Президенти маъмурияти ҚХА котибияти мудирлари Марат Алмасули Азилхановга ушбу адиблар номини мактабларга бериш хусусида ёзма мурожаат этди. Масалан, ўтган асрда собиқ Туркистон туманининг Иқон, Қарноқ, Кориз қишлоқларида дунёга келган, машҳур ва забар-

даст адиблар номини туркий халқлар маънавий пойтахти – Туркистон шаҳри ёки вилоятдаги Кентов ҳамда Саврон тумани қишлоқларидаги умумий ўрта



мактабларига бериш масаласи хусусида.

Таъкидлаш жоиз, Қозоғис-

тон Ёзувчилар Уюшмаси бошқаруви раиси Улиқбек Есдаулет, вилоятимиздаги иқтидорли ёзувчи-адиблар, халқаро Алаш мукофоти лауреатлари – Мархабат Байғут, Қулбек Ергўбек мазкур ташаббусдан яхши хабардор ҳамда қўллаб-қувватлашга тайёр.

ҚР Ёзувчилар Уюшмаси аъзолари Абдурахим Пратов раҳбарлик қилаётган “Ижодкор” республика ҳамда Эрناзар Рўзиматов раҳбарлик қилаётган А. Яссавий номидаги вилоят адабий уюшмаси ҳам мана шу хайрли иш учун камарбаста. Китоблари миллионлаб нусхаларда чоп этилган, мухлислар ҳурматини қозongan Миртемир Турсунов, Одил



Ёқубов, Носир Фозилонинг киндик қони табаррук Туркистон заминда тўкилиб, шу ерда камол топланиши ёш авлод билиш керак. Эзгу ташаббус қўллов топишига ишончимиз комил.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Доимий жамоатчи обуначимиз, истеъфодаги ички ишлар подполковниги Жумадулла Эргашев Туркистон шаҳридаги Мавлон Султонов номли маҳаллада истиқомат қилувчи табаррук ёшдаги волидаи муҳтарамаси, Қаҳрамон она Сора ая Эргаш қизининг 90 ёшга тўлиши муносабати билан мақола тайёрлашимни таклиф қилди. Мавриди келиб, мусоҳабани бошладим.

С. ЭРГАШ қизи: “Меҳнатни улуғлаб, ҳаракатда баракат кўрдим”



Хонадон соҳиби Мусайха Эргаш ўғли 1929 йили Ёсқи Иқонда туғилган. 12 ёшида уруш бошланиб ўсмирлик чоғи оғир йилларга тўғри келди. Қийинчиликларни енгиб, ихлоси баландлиги боис яхши ўқиб пировадида Тошкент шаҳридаги ҳисоб-молия институти муваффақиятли тамомлаган. Туркистон шаҳри ва тумандаги нуфузли идораларда самарали меҳнат қилган, муносиб шогирдлар тайёрлаган. Ота касбини бугунги кунда ўғли Саидахмад ҳамда неваралари давом эттиришмоқда. Давлатимиз томонидан фронт ортидаги меҳнати учун юбилей медаллари ҳамда қатор мукофотлар билан тақдирланган. Умр йўлдоши Сора Эргаш қизи билан муштарак ҳаётлари давомида Файзулла, Гулжон, Жумадулла, Сайдулла, Саидахмад, Мирзахмад, Мирсаид, Мирсиддиқ, Тўйжонларни тарбиялаган келин-куёвлари Аяжон, Отахон, Малика, Нафиса, Зулфия, Мунира, Меҳринсо, Шахло, Гулбахор уларнинг хизматида. Пири бадав-

лат улкан хонадонда дунёга келган оилаларда 31 неvara, 70 эвара, 1 чевара улғаймоқда. Мусайха ота 75 ёшида 2004 йили оламдан ўтган. Сора ая 8 март куни, Мусайха ота эса 23 февраль куни туғилган. Тўнғич ўғли Файзулла ака 73 ёшга кирган мунис онахон билан мулоқотимиз оила, рўзғор, фарзандлар тарбияси, шаҳар равнақи ҳақида бўлди. Нуроний онахондан қандай таомларни хуш кўриши, дам олиши, хуллас, узоқ умр кўриш сир ва сабабларини суриштирдим. Эски Иқоннинг машҳур мазали патирлари ҳақида кўпчилик, хусусан, Қозоғистон давлати

талиқ, тартиб, фарзандлар тарбияси менинг зиммамда эди. Эрталабдан то оқшомгача рўзғор ишларини уддалаб, кам ухлаб, кўп меҳнат қилиш, болалар тарбияси билан эринмай шуғулланиш мен учун ҳаёт анъанаси эди. Қобил ва меҳнатқаш, ибратли оила соҳиблари бўлган барча фарзандларим, келин-куёвлардан чексиз миннатдорман. Ўзим эса ҳаётимда овқат танламаганман. Борида шукур, йўғида сабр. Уруш бошланиб оталаримиз фронтга сафарбар этилганида 11 ёшимдан бошлаб колхозда фронтга кетганлар ўрнида меҳнат қилганман.

деганларидек, ҳозирги замонни кечаги кун билан таққослаб бўлмайди. Ҳукуматимизга, давлатимизга миннатдорчилик билдириб, раҳмат айтмоқчиман. иситиш учун тутантириқ тутатиб кўмир ёқиш керакмас – Туркистон шаҳримиз вилоят марказига айланиб, 5 йил ичида шунчалик янгиланиб, обод бўлиб, гуллаб-яшнаганига ҳайрат-қувончимиз чексиз. Яна кўп янгилликлар, қурилишлар режаланибди.

Сора ая қўлларини дуога очиб, Яратган Эгамдан элга тинчлик, юртга омонлик, фарзандлари, барчага саодат, соғлиқ-омонлик тилади. Мўътабар



ёшдаги, ҳаётда қийинчиликларни меҳнати билан енгиб, ибратли умр кечириётган, фарзандлари даврасида кексалик гаштини сураётган Сора аянинг дуолари ижобат бўлсин.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Мусайха ота Эргаш ўғли; Сора ая Эргаш қизи; Қаҳрамон она Сора Эргаш қизи фарзандлари, келинлари, неvara-эваралари даврасида.

Муаллиф тасвирлари.



раҳбари Динмуҳаммад Кўнаевнинг Иқон қишлоғига ташрифи чоғида ҳайратини яширмай таърифлагани газетхонларимизнинг ёдида бўлса керак. Сора ая ҳам патир ёпишда уста пазанда экан.

– 5 йил муқаддам ҳовлида тандирда нон ёпардим. Ҳаракатда баракат, деб бежиз айтилмаган. Умр йўлдошим доимо ишда. Хонадондаги сариш-

Оғир ҳаёт, нон, егулик, кийим-пойафзал тақчиллиги бизларни ҳаётга тоблантирди, қийинчиликларни енгишга ўргатди. Тандирда ўтин ёқиш, нон ёпиш зарурият эмас, ажодларимиздан келаётган ажойиб ҳамда кўҳна анъана. Умр йўлдошим билан 9 фарзандни улғайтириб, олий-маълумотли, уйли-жойли қилдик. Эллик йилда эл янги,

P.S. “Алтин алқа” ордени, “Фронт ортидаги зарбдор меҳнатлари учун” медали ва кўплаб мукофотлар билан тақдирланган 90 ёшдаги Сора ая Эргаш қизини Туркистон вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган қадрли фарзандлари қутлуғ ёш муносабати билан самимий муборакбод этишадим. Онахон учун энг юксак мукофот – фарзандлари, авлодларининг самимий ҳурмат-эҳтироми. Бу шуқуҳли онларнинг онахон учун гашти, саодати ўзгача. Зеро, табаррук тўқсон ёш барчага баравар насиб этавермайдиган неъмат. “Жанубий Қозоғистон” таҳририяти ҳам ушбу ниятларимизнинг ижобатини тилаб қолади.

Директор – Бош муҳаррир – Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:

Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазжон БҮРОНБОЕВ.

Масъул котиба –
Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Тўлебий — Баҳорой ДҮСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт — Хуршид ҚҮЧҚОРОВ. +7-701-447-37-42.
Сайрам — Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.
Тупкибош — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.

Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис: Туркистон вилояти ҳокимлиги.

Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

“ERNUR-print” МЧБ Босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Буюрма: 455.

Навбатчи муҳаррир: Хуршид ҚҮЧҚОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 160023, Туркистон шаҳри, “Жаңа қала” кичик тумани, 11-кўча, 26-бино, 3-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелдан рўйхатга олинди, КЗ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

Нашр кўрсаткичи – 65466
Адади – 12215